

О`zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog`ot tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 466-н

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Ахмедов Сададдин
Садуллаевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида яшовчи фуқаро Ахмедов Сададдин Садуллаевичнинг “Гулшан” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 3 февралдаги ХО-А-334-сонли аризасини, “Гулшан” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 31 январдаги № 428-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Боғот тумани Бешариқ қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг 1998 йил 28 декабрдаги № 24-сонли йиғилиш баёнига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани “Гулшан” маҳалласида жойлашган 11 (ўн бир) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 79,45 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 185,74 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 265,19 квадрат метр, қурилиш ости майдони 387,53 квадрат метр, умумий ер майдони 1342,68 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Ахмедов Сададдин Садуллаевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Ахмедов Сададдин Садуллаевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга ошириганда Ўзбекистон

Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Аҳмедов Сададдин Садуллаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев